


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация
технологияларини ривожлантириш маркази

“Мақтаб таълим жараёнини бошқариш
тизими–xt.uzedu.uz”нинг
“Таълим муассасаларининг
микроҳудудларини аниқлаш” бўлимига
маълумотларни киритиш ва ундан
фойдаланиш бўйича

ЙЎРИҚНОМА



Тошкент – 2019

“Таълим муассасаларининг микроҳудудларини аниқлаш” бўлимига маълумотларни киритиш ва ундан фойдаланиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

1. Муассаса маълумотларини таҳрирлаш

Xt.uzedu.uz тизимига муассаса ёки туман ўзига тегишли логин ва пароли билан кириб, чап томондаги менюдан “Muassasa → Muassasa haqida” бўлимига ўтамыз.

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi

MAKTAB TA’LIM JARAYONINI BOSHQARISH TIZIMI - XT.UZEDU.UZ

Uz Ru Ixtiyor Umarov

Maktablar

Tahrirlash	Tuman ro'yxatda joylashish tartibi	Nomer(Nom)i	Qisqa nomi	Qaysi vazirlik(qumita) tasarrufida	Ixtisoslik yo'nalishi	Quvvati	Telefon	STIR (INN)	Tahrirlash
Tahrirlash	1	1-sonli umumta'lim maktabi	1-maktab	XTV tasarrufidagi muassasa	Umumta'lim maktab	100	+998(91) 602-71-11	203251718	Ko'rish

100 sahfadagi ma'lumotlar 1 ta yozuvdan 1 - 1 tasi

Мақтаблар рўйхатидан керакли мактабни “Tahrirlash” тугмаси орқали бўлимга кирамыз.

Ma'lumotni tahrirlash - 1-sonli umumta'lim maktabi

Xalq ta'lim boshqarmasi: Andijon viloyati

Tuman XTb: Andijon shahri

Muassasaning to'liq nomi: 1-sonli umumta'lim maktabi

Qisqa nomi: 1-maktab

Tuman ro'yxatda joylashish tartibi: 1-o'rinda

Qaysi vazirlik(qumita) tasarrufida: XTV tasarrufidagi muassasa

Ixtisoslik yo'nalishi: Umumta'lim maktab

Quvvati: 100 Nafar

1 sentabr holatiga ko'ra o'quvchilar soni: 100 Nafar

Qurilgan yili: 1 YIL

Dastur asosida oxirgi marta ta'mirlanganligi: 1 YIL

Ta'mir turi: Kapital ta'mirlash

STIR (INN): 203251718

Navbatliligi: Ikki navbatlilik

Joylashuv hududi: Shahar hududi

Joylashgan hudud: Andijon viloyati

Joylashgan tuman: Andijon shahri

Joylashgan mahalla: Uzbekiston MFY

Yuridik manzili (To'liq bo'lishi shart): Milliy tiklanish ko'chasi 46

Tuman markazigacha bo'lgan masofa:

Telefon:

Elektron pochta:

Muassasaning xaritada joylashuvi

Sputnik holatida ko'rish

A1 → X-Koordinata: 40.767807

A2 → Y-Koordinata: 72.359250

A3 → Mikrohududning fon rangi


A4 → Mikrohudud chegarasining rangi

(*) қўйилган барча майдонларни тўлиқ ва тўғри маълумот билан тўлдирамыз.

A1 – Мақтаб жойлашган жойнинг X – координатаси.

A2 – Мактаб жойлашган жойнинг Y – координатаси.

X.Y – координаталарни аниқлаш учун юқоридаги харитадан мактаб биносини топиб, мактаб биносининг кириши устига сичқончанинг чап тугмаси(агар микрохудуд ичида бўлса ўнг тугмаси)ни бир марта босиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.




Маълумот:

Харитада сичқонча ҳаракатининг ҳолатлари:

1. Сичқончанинг ғилдирагини олдинга ва орқага айлантириш орқали харитани мос равишда яқинлаштириш ва узоклаштириш мумкин.
2. Сичқончанинг чап тугмасини босган ҳолатда(қўйиб юбормасдан) сичқончани ҳаракатлантириш орқали харитани кўриш қисмини ўзгартириш мумкин.
3. Сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали босилган нуқтани X.Y – координаталарини аниқлаш мумкин бўлади (Агар микрохудудни белгилаш жараёни бошланмаган бўлса).

A3 – Микрохудуднинг фон ранги(расмда кўрсатилган жойда сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали куйидаги расмда кўрсатилган ойнани очиш мумкин).




B1 –Рангни танлаш майдони, B2 – Рангни алмаштириш майдони.

B3 – Рангнинг кўриниш даражаси.

Микрохудуднинг фон рангини кўриниш даражасини 0.2 (*rgba(...,...,0.2)*) қийматидан юқори киритиш тавсия этилмайди. Агар микрохудуднинг фон рангини кўриниш даражаси нолга туширилса харитада рангсиз ҳолатда фақат чегара чизиқлари ёрдамида намоён бўлади.


A4 – Микрохудуднинг чегара ранги (Микрохудуднинг фон ранги каби танланади. B3 – Рангнинг кўриниш даражасини белгилаш шарт эмас).

Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг тугмасини босиш орқали маълумотлар сақланади.

 Saqlash va tahrirlashni davom ettirish


2. Муассасанинг микроҳудудини белгилаш

Муассасанинг микроҳудудини белгилаш учун [Mikro hududni belgilash](#) тугмаси босилади. Харитани компьютер экранига каттароқ кўринишда кўриш учун [X](#) тугмасини босиш мумкин. Агар сиз харитани спутник кўринишида кўрмоқчи бўлсангиз [Sputnik holatida ko'rish](#) тугмасини босишингиз мумкин. Ортга қайтиш учун эса мос равишда [↶](#) ва [Xatira holatida ko'rish](#) тугмалари босилади.



Харитадан муассасанинг микроҳудудини сичқончанинг ўнг тугмасини бир мартадан босиш орқали белгилаб олинади.

Дастлаб ўзингиз учун қулай бўлган кўчанинг керакли жойига сичқончанинг ўнг тугмасини бир марта босасиз. Кейин керакли йўналиш бўйлаб маълум масофада сичқончанинг ўнг тугмасини босганингизда дастлаб бошлаган жойингиздан кейинги нуқтагача чизиқ чизилади. Кейинги қадамда иккинчи белгилаган жойингиздан охириги босган жойингизгача чизиқ чизилади. Шу кетма-кетликда керакли йўналиш бўйлаб бориб дастлабки бошланган нуқтагача белгилаб чиқилади.



Агар белгилаш жараёнида хатоликка йўл қўйсангиз

[Belgilashni qaytadan boshlash](#)

тугмасини бир марта босиб, сўнг

[Mikro hududni belgilash](#)

тугмасини босиш орқали микроҳудудни қайтадан белгилашни бошлашингиз мумкин бўлади.

Микроҳудудни белгилаб бўлгандан сўнг

[Saqlash va tahrirlashni davom ettirish](#)

тугмасини босиш орқали маълумотлар сақланади.




The screenshot shows a web interface for editing information about a school. The title is 'Ma'lumotni tahrirlash - 1-sonli umumta'lim maktabi'. The form contains the following fields:

- Xalq ta'lim boshqarmasi:** Andijon viloyati
- Tuman XTB:** Andijon shahri
- Muassasaning to'liq nomi:** 1-sonli umumta'lim maktabi
- Qisqa nomi:** 1-maktab
- Tuman ro'yxatida joylashish tartibi:** 1 - o'rinida
- Qaysi vazirlik (qo'mita) kasarufidagi muassasa:** XTV kasarufidagi muassasa
- Itisondik yo'nalishi:** Umumta'lim maktab
- Quvvati:** 100 Nafar
- 1 sentabr holatiga ko'ra o'quvchilar soni:** 100 Nafar
- Qurilgan yili:** 1 YIL
- Dastur asosida o'zgarilgan marta ta'mirlanganligi:** 1 YIL
- Ta'mir turi:** Kapital ta'mirlash
- STIR (INN):** 203253718
- Navbatligi:** Ikki navbatlik
- Joylashuv hududi:** Shahar hududi
- Joylashgan hudud:** Andijon viloyati
- Joylashgan tuman:** Andijon shahri
- Joylashgan mahalla:** Uzbekiston MTY
- Yuridik manzili (To'liq bo'lishi shart):** Milliy tiklanish ko'chasi 46
- Tuman markazigacha bo'lgan masofa:**
- Telefon:**
- Elektron pochta:**

On the right side, there is a map titled 'Muassasaning xaritada joylashuvi' showing the school's location. Below the map, there are input fields for coordinates and colors:

- X Koordinata:** 40.767807
- Y Koordinata:** 72.359250
- Mikrohududning fon rangi:** rgba(117,58,216,0.2)
- Mikrohudud chegarasining rangi:** #8f4ada

Қуйида бир нечта белгиланган микроҳудуд намуналари келтирилган.



3. Муассасаларнинг микроҳудудини аниқлаш

Муассасаларнинг микроҳудудини аниқлашда қуйидаги сайтлардан фойдаланишингиз мумкин:

1. Uzedu.uz – Халқ таълим вазирлиги расмий веб сайтининг чап томонидаги махсус баннер орқали




2. Xt.uzedu.uz – “Мақтаб таълим жараёнини бошқариш тизими” орқали



Хар иккала ҳолатда ҳам сиз қуйидаги саҳифага ўтасиз:



1-майдондан ҳудудни, 2-майдондан туман(шаҳар)ни танлаб “Мақтабларни ко‘риш” тугмаси босилади. Қуйида мисол сифатида Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги мақтабларининг жойлашуви ва уларнинг микроҳудудлари кўрсатилган.



Маълумот:

Харитада сичқонча ҳаракатининг ҳолатлари:

1. Сичқончанинг ғилдирагини олдинга ва орқага айлантириш орқали харитани мос равишда яқинлаштириш ва узоқлаштириш мумкин.
2. Сичқончанинг чап тугмасини босган ҳолатда(қўйиб юбормасдан) сичқончани ҳаракатлантириш орқали харитани масштабини ўзгартириш мумкин.

Telegram дастури орқали <https://t.me/XtUzeduUz> ҳаволаасидан “Мақтаб таълим жараёнини бошқариш тизими – xt.uzedu.uz”ни қўллаб-қувватлаш гуруҳига мурожаат этиб xt.uzedu.uz дастурига маълумотларни киритиш бўйича амалий ёрдам олишингиз мумкин.

Тизим бўйича техник ёрдам, таклифлар бўйича ёки тизим ишламай қолса Халқ таълими соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг ((+99871) 202-13-93 (ички рақам 500 ёки 102 га), (+99871) 223-16-31, (Telegram дастури орқали @IsmoilovSardor, @tuminov_s, @smaxmaev)) телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.